

Абу Абдуллох Жаъфар бинни Мухаммад бинни Абдурахмон Одам 858 йили Самарканд шаҳри яқинидаги Панжрудак кишлогига дехкон оиласида тугилган. Дастлабки таълимни оила мухитида олган Жаъфар Самарканд мадрасаларида замонасидаги барча билимларни пухта эгаллайди, Куръон хофизи даражасига етади; халк шеърияти, кўшиқларини севиб куйлаб юради; машхур машшок ва бадихагўй Абу Аббос Бахтиёрдан мусика илмини ўрганади; барбат, руд, уд, чанг, конун асбобларини чалишда шухрат козонади; мусикаларга ўзи шеърлар битиб, уларда Рудакий тахаллусини қўллай бошлайди.

Араблар истилосига бархам берилиб, марказлашган давлат барпо этилгач, Хуросону Мовароуннахрда илм-фан, маданият, адабий ҳаёт, хунармандчилик, савдо-сотик гуркираб ривожланади. Айникса, давлатнинг кудрати Амир Наср ИИ Сомоний (914 — 943) даврида янада ошади. У шахару кишлоклардан, узок-яқиндан аҳли хунар, илм-адаб аҳлини марказ Бухорога тўплайди, уларнинг фаолиятига шароит тугдириб беради, хомийлик қилади. Шеърият ва мусикада шухрати ошган Рудакий ҳам саройга чакиртирилади. Натижада шоир бутунлай ижодга шўнгиб кетади: касидалар, газаллар, рубоий, китъа, достонлар яратади. Унинг обрўси ортиб, бойлиги ҳам ошиб боради. Бу хусусда машхур тарихчи, адиб ва адабиётшунос Мухаммад Авфий «Лубоб ул-албоб» (1222) тазкирасида куйидагиларни ёзган: «Рудакий уста чолгучи бўлиб етишгач, унинг овозаси бутун оламга ёйилди. Хуросон амири Наср бинни Аҳмад Сомоний уни ўзининг яқин кишилари каторига кўшгач, у юкорилаб кетди, унинг бойлиги эса хаддан ташкари кўпа-йиб кетди... Ундан кейинги шоирлар орасида ҳеч кимга бундай бойлик насиб этмади ва ҳеч ким унинг-дек бахт эгаси бўлолмади».

Ҳакикатан ҳам, Рудакий Сомоний амирларининг энг «яқин надими» (Авфий), хушхон хофиз, мохир машшок, нуктасанж шоир сифатида бекиёс обрўга эга эди. Сомоний амирларининг барча сафарларида шоир асарларининг қўлёзмалари Турондан Хуросон шаҳарларига туяларга юклаб олиб борилиб, кўз-кўз қилиб юрилиши ҳам буни тасдиқлайди. X асрнинг ўрталарига келиб саройдаги аҳвол оғирлашади. Ўз хомийси ва дўстларидан жудо бўлган, қартайиб қолган, сарой атрофидаги машмашалардан зада Рудакий умрининг охириги йилларини ўз кишлогига ўтказиб, 941 йили вафот этган. Қадимий сарчашмаларда Рудакийнинг шахсияти, тақдири ҳақида ранг-баранг ихтилофли фикрлар мавжуд: айрим олимлар шоир тугма ожиз эди, дейишса, баъзи тадқиқот ва мақолаларда у қанд касалига гирифтор бўлгани учун қариганида кўр бўлиб қолган, деган фикр-ни уқтирадилар. Бизнингча, Рудакийнинг «модарзод кўр» бўлгани ҳақиқатга яқин. Зероки, Хомер, Абу Аъло ал-Маарий, Аҳмад Югнакий сингари буюк ижодкорлар ҳам тугма ожизликларига қарамай, ўз аср-ларининг яғонаси бўлганлар. Рудакий ижодий мероси ҳақидаги мулоҳазалар ҳам турли-туман. Ас-Саолибий (XI аср), Мухаммад Авфий, Низомий Арузий Самаркандий (XIII аср), Давлатшоҳ Самаркандий (XVII аср) каби олимлар шоир асарларининг ҳажмини бир миллион байтдан уч миллион байтгача тахмин қиладилар. Бу рақам қай даражада муболагали бўлмасин, муттасил бадиий ижод билан шугулланган, доим бадиха тарзида шеър айтиб юрган Рудакий мероси улкан бўлгани табиий. Юксак ватанпарварлик руҳидаги «Бухоро» касидасининг яратилиш тарихи ҳам бу мулоҳазани қувватлайди. Афсуски, мўгул яғмосининг ваҳшийлиги туфайли Ўтрор, Са-марканд ва Бухоро китобхоналаридаги дастхатлар қуйиб, қул бўлди. Шунинг оқибатида Рудакий

асарларидан бизгача икки минг байтдан зиёдрок намуналар сакланиб колган, холос. Аммо ана шу бокий мисраларнинг ўзиёк Рудакий дахосини тасаввур килиш имконини беради.

ИХ — Х асрларда хали форсий адабий тил тўла шаклланиб улгурмаган, унда етарли даражада бадий ижод неъматлари яратилмаганди. Ана шундай бир шароитда Рудакий халк оғзаки ижоди инжуларига суянган холда форсий адабий тилнинг пойдеворини курди, форсий тилдаги адабиётга асос солди. Бу соҳада айтарли анъана бўлмаган ерда лирик турнинг барча жанрларида мумтоз асарлар ёзди. «Калила ва Димна», «Синдбонднома» сингари маснавийларни яратди. Бадий ижоднинг барча соҳасида биринчи бўлди. Шунинг учун ҳам замондошлари уни «Одам уш-шуаро — шоирлар Одам Атоси» деган ном билан сарафроз этдилар. Хакикатан ҳам, Рудакий шеърларини кўздан кечирар эканмиз, уларда хакикий ишк билан мажозий ишк, инсон-дўстлик, ватанпарварлик, илм ўрганиш, касб-хунар эгаллаш, инсоф ва диёнат, адолат ва адолатли шох, она табиатга меҳр, атроф-мухитни авайлаб-асраш гоёлари бетакрор нафис образлиқда тасвирланганининг гувоҳи бўламиз. Шоир газалларида ошиқ рухий кечинмаларини қай йўсинда боқира тарзда ифодалашга эришса, маъшуқа чиройини ундан-да гўзал воситаларда тасвирлайди. Масалан, бир байт-да ёрнинг садафдек тишларини ёмгирдан сўнг ниҳол шохчасида тизилиб қолган шаффоф доначалар — катраборонга ўхшатса, бошқа бир байтда «юзингдан пардангни кўтарганингда қуёш хижолатдан юзини беркитди, яъни ўзини булут орқасига олди», дейди. Маъшуқа этакларини ер юзидан судраб ўтгани учун тупроқ покланиб, «сув бўлмаса таяммум» этиб, ибодат қилиш жоиз бўлган экан. Бундай тасвир мавлоно Лутфийда ҳам учрайди. Ошиқ эрталаб бог сайрига чиқса, анхордан гулоб хиди анқирди. Ёраб, ёрим мендан олдин чиқиб ариқ бошида юз-қўлини ювдимикан, деб ўйга толади ошиқ. Рухий ҳолат табиат чиройининг турфа унсурлари таърифи орқали қизилади:

Баҳор ойи етиб келиб, қиш ойини этди яғмо,
Фазо юзин қоплади қанг, қонга тўлди дашту сахро.

Илк баҳорнинг кўз ёшидан шохлар олди юзига ранг,
Ҳамал оқин ҳуш хидидан бўлди тупроқ анбаросо.

Лайли юзи қаби лола қенг сахрода қулиб турар,
Мажнун кўзи қаби булут қон ёшини қилур дарё.

Оқар сувдан қелмоқдадир ҳар соатда гулоб хиди,
Менинг ёрим ариқ ичра гул юзини ювмиш гўё.

Рудакий асарларида илм эгаллашга даъват, инсонни шарафлаш, бу дунёда «бани одамга яхшилик қилиб» яшашга ундов, Оллох томонидан берилган қиска умрни илм ўрганиб, уни ижтимоий-қойдали меҳнатга сарфлашга даъват етакчи мотивлардан ҳисобланади:

Шу оддий кўз билан боқмагил, балки,
Билим кўзи билан боққил жаҳонга.
Жаҳон денгиз эрур яхши ишингдан,

Кема ясаб ўтгил нарги томонга.

Шоир асарларида шоду хуррамлик, Наврўзи олам тароватию, шаробнинг хаётбахш фазилати, ёрнинг нозу карашмасию, дўстлар дийдорининг фарахбахш кудрати, хайр-эхсон, инсоф ва мурувват, раҳм-шафкатли бўлиш ҳам маснавийларию касидаларида, китъаю рубоийларида зўр мусикийликда тараннум этилади. Рудакий касида жанрининг энг мумтоз намуналарини яратган. «Бухоро», «Майнинг онаси», «Кариликдан шикоят» сингари асарларида шоир, бир томондан, ватанпарварлик, инсондўстлик, меҳнатсеварлик, умрнинг кадрига етиш хусусида жўшқин фикрлар юритса; иккинчи томондан, гўзал табиатни севиш, хамиша шоду хуррам яшашга ундайди. Сомоний зодагонлар мад-ҳига бағишланган касидаларда эса, шоир кўпроқ уларнинг давлат равнаки йўлидаги хизматларини, халқ фаровонлигини оширишдаги саъй-ҳаракатларини таърифлашга интиланган. Рудакий асарлари ўта содда, равон бир усулда — сахли мумтанеъ — осону номумкин усулида ёзилган. Ўтмишда жуда кўп форсийгўй шоирлар унинг асарларига ўхшатма, тазминлар ёзган. Аммо бирон ижодкор Рудакий даражасига етолмаган. Жумладан, «Бўйи жўйи Мўлиён ояд хаме...» деб бошланадиган Бухоро касидасига форс-тожик адабиёти классикларидан 120 шоир назира ёзган. Аммо биронтаси асл матн даражасига етолмаган: вазн, охангини топганлар мавзуда кокиланган, мавзунини нишонга тўғри ола олганлар эса, мусикийлик, кофияни уддалай олмаганлар...

Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаб ўтган буюк сўз санъаткорлари Рудакий даҳосини муносиб кадрлаган, унинг шеърий кудратига юксак баҳо беришган. Жумладан, забардаст лирик шоир, биринчи шохноманавис Дакикий уни шундай таърифлайди:

Газал рудакийвор бўлгай гўзал,
Рудакийча газал ёза олмадим.
Жуда нозик хаёл билан уриниб,
Бу парда ичига йўл тополмадим.

Абу Абдуллох Рудакий ўзи куйлаган ватанпарварлик, маърифатпарварлик, халқлар дўстлиги гоёлари билан барча замонларда башариятга хизмат қилаверади. Шоир ижоди қадим ул-айёмдан бери ўзбек халқига жуда яқин. Бобур «Мухтасар» рисоласида шоир асарларидан намуналар келтирган, Пўлатхон Домулло Каюмий ўз тазкирасида шоир ижодини ёритган. Устозларимиз С.Айний, Н.Маллаев, Ш.Шомухаммад ҳамда М.Муинзода Рудакий хаёти ва ижодини таҳлил қилиб, асарларини таржима этиб, тар-ғиб қилишда заҳмат чекканлар.

Хамиджон Хомидий, профессор